

## **THE STATE OF JUNIPER FORESTS OF UZBEKISTAN AND THEIR NATURAL RESTORATION**

**Yuldashev Yakubjon Khatamovich,**

Candidate of Agricultural Sciences, Professor

Dean of the Faculty of Forestry and Landscape Design

Tashkent State Agrarian University,

Tashkent

**Abdurahmonov Oybek Bahodir Bahodir Ugli**

Forestry students of 3-60 groups

Tashkent State Agrarian University,

**Annotation.** This article is a guide to studying the condition of juniper forests in Uzbekistan. Recommendations are given on how to use them for their natural recovery. The process of natural regeneration of the arch is shown.

**Keywords.** Zerafshan juniper, Turkestan juniper, hemispherical juniper, pasture, erosion, forest.

## **ЎЗБЕКСИТОН АРЧА ЎРМОНЛАРИНИНГ ҲОЛАТИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ ТАБИЙ ҚАЙТА ТИКЛАШ.**

**Юлдашов Якубжон Хатамович,**

Қишлоқ хўжалиги фан номзоди, профессор

Урмон хўжалиги ва ланшафт дизайн факултети Декани

Тошкент давлат аграр университети,

Тошкент

**Абдурахмонов Ойбек Баходир Баҳодир Угли**

Урмончилик йуналиши 3-60 гурух талабаси

Тошкент давлат аграр университети,

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон арча ўрмонларини ҳолатини ўрганиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган. Уларни табиий тикланиши учун қандай ишлаб олиб бориш кераклиги тўғрисида тавсиялар берилган. Арчани табиий тикланиши қай жараёнда кетиши кўрсатилган.

**Калит сўзлар.** Зарафшон арча, туркестон арча, яримшарсиман арча, яйлов, эрозия, ўрмон.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўрта Осиё арча ўрмонзорлари Помир-олой ва Тянь-Шан тоғ тизмалари ўрмонларни асосини ташкил этади ва Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонда 540 минг га майдонни ташкил эгаллади ва катта экологик роль ўйнайди. Кўп асрлар давомида кучли антропоген таъсирида бўлиб, асосан ёғоч ва ўтин тайёрлаш учун хизмат қилган, улардан ташқари энг яхши мол-чорва яйлови бўлиб хизмат қиласи [1]. Аҳоли сонининг кўпайиши ва унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг ортиб бориши яйловлар рўлини яна ошириди [2].

**Тадқиқот услуби.** Тадқиқот ўтказиладиган жойнинг табиий шароитлари ва метереологик станциялар маълумотлари ўрганилади. Ўзбекистонда арчаларнинг турлари ва уларнинг тарқалишини А.Кулайбачнийнинг “Ўзбекистоннинг арчазор ўрмонлари” [3] китоби бўйича ўрганилади. Арчазорларнинг табиий тикланишини аниклаш У.Нигматовнинг “Меры содействия естественному возобновлению в арчовниках Узбекистана” ва Е.А.Бутковнинг “Ўзбекистон арча ўрмонларининг ҳолатини аниклаш ва уни қайта тиклашга ёрдам бериш тавсияси” бўйича ўрганилади [4,5].

**Тадқиқот натижаси.** Арчанинг табиий тикланиши оддий фетоценозда жуда секин амалга ошади. Мураккаб фетосенозларда олиб борилган илмий ишлар шуни кўрсатадики арчани қайта тикланиши 3-5 марта ортиқ бўлиб, ўрмон майдонинг хамма ерида бир текис ўсибиқида. Булар эса

уларни ёмонлашиш шкаласини яратишга олиб келди. Ёмонлашиш шкаласи ўрмонни қайси бир бўлаги қайси тарзда ёмонлашиб инқирозга учраб бораётгани қўрсатиб қолмай, уларни қайта тиклаш йўлларини ишлаб чиқишини ҳам ўз ичига олади. Изланишлар шуни қўрсатдики, ўсимлик турлари 52-55 тадан то 8-12 тагача камайиб кетган, сақланиб қолганлари ичида ёввойилари ҳам бор, қайсики моллар ўзлари билан олиб келганлар. Ўт ўланларни қопланиш миқдори 90-100% дан 20-30 % га тушиб қолган. Ўрмонларнинг табиий кўпаймаслиги ва майдадарахтларни камайтириш арча умрини қисқартиради, булар ўз оқибатида ўрмонларни ўсиш шароитларини ёмонлаштиради (тупроқ унумдорлигини пасайиши, парланишни кўпайиши, тупроқни зичланиши).

Кўйида келтирилган ўрмонларни ёмонлашиш қўрсаткичи 4 босқичдан иборат бўлиб улар арча ўрмонларининг, улардаги элементларнинг ёмонлашиш даражаси қўрсатилган ва уларни бир қараб чиқиша ажратиш қийин эмас.

1-жадвал

#### Ўзбекистонда арчаларнинг ёмонлашиш қўрсаткичи

Фитоценоз бўлаги	Бузилиш аломатлари
1 давр (босқич)	
Дараҳтзорларнинг 1-чи поғонаси	Арчазорларнинг асл бузилмаган ёки енгил бузилган туркумлари, дараҳтзор таркибини тиклашдан мураккаб. Заرافшон арчаси биринчи ярус тарқалиши деярли бир хил 0.7-1.0 бўлган, асосан 70 % уруғдан чиқкан. Дараҳтлар бир шоҳли 2-3 шоҳлилари кам миқдорда. 30-40 йил давомида камаймаган.
Дараҳтзорнинг 2 чи поғонаси	Иккинчи поғонага биологик таркиби бўйича 2-3 тур ўсимликлар шароитига қараб учрайди: Туркистон заранги, Семенов заранги, Бухоро бодоми, олма. Уларнинг ёши ҳар хил бўлиб, ўрмоннинг ҳамма майдонларида жойлашган.
Ўрмонзор тагидаги буталар ва ёш дараҳтлар	Бунинг таркибига наъмататқ, зирқ, тоголча, тиканли бодом, иргай, учқат, қарағай, қийшиқ мевали шумтол, торилис, четан, қизилча киради. Ўсимликлар ҳар хил ёшда, яхши тикланиш қобилиятига эга, ҳамма майдонида бор
Тупроқ ва ўрмон чириндиси қатлами	Тупроқдаги ювилиб кетмаган, юқори чиринди қатлами яхши ривожланган, унинг қалинлиги 10 см дан кам эмас. Унинг хажм бирлигининг массаси 1.10 г/см куб дан юқори эмас. Йўлак тармоқлари йўқ. Чиринди қатлами дараҳтзорнинг ҳамма майдонида мавжуд бўлиб, тошлоқ ерларда учрамайди. Унинг қалинлиги очиқ жойларда 1-2 см, арча шоҳ шаббалари остида эса 10 см гачадир.
Тупроқ устидаги тирик қатлам	Шимолий қияликлардаги чиринди қатламида моҳ ўсимлиги ривожланган бўлиб – ўрмоннинг 30-80 % майдонида тарқалган. Жанубий қияликларда дараҳтларнинг шоҳ-шаббаси ости ва танасида ривожланган. Ўт ўсимликлар қопламитаркиби мураккаб уч қаватли, баландлиги 120-150 см. Унга ёзги вақтда 40-50 дан кам бўлмаган ўт ўланлар тури киради. Улар ўрмон ўсимликлари, намлиқка талабчан (мезофит) ва дашт турларидир (мезоксерофит). Уларнинг ичида бир ва икки паллали ўсимликлар бор. Бошоқли ўсимликлардан тог арпаси, оқ сўхта, (биринчи қаватда), ялтирош, буғдойик, бетага, қиёқлар (иккинчи қаватда) ва бошқалар.
2 давр (босқич)	
Дараҳтзорларнинг 1-чи поғонаси	Моллар боқилиши сабабли дараҳтзор ўртacha дигрессия ҳолатига келган. Унинг таркиби мураккаб. 1 қаватида шоҳ-шаббаларнинг зичлиги 0,5-0,8 га тенг бўлган заравшон арчаси. Дараҳтзорларнинг йирик йирик бўлакларга бўлинган. 50 % га яқини бачки новдалар билан қайта тикланган, шунинг учун таналари кўп. Охирги 30 йил ичида қалинликка ўсиш ўртacha олганда пасаймаган.
Дараҳтзорнинг 2-чи поғонаси	Иккинчи қаватни ташкил этган дараҳтлар таркиби бўйича 1 бирликдан иборат, ёки айрим жойларда қисман бошқа турлар аралашган. Унинг

		таркибига бундан илгариги даврнинг даврнинг таркибида бўлган ўсимликлар бор, аммо тўп тўп бўлиб ўсган дараҳтлар ичидаги ўсади. Улар қалин бўлиб (дараҳтлар) жойлашганлиги учун моллар зарар келтирмаган.
Ўрмонзор шаббалари остидаги ёш дараҳт ва буталар	шох-	Унинг таркибига арчазорларга муносиб бўлган турлар киради, аммо унинг қалинлиги камроқ. Уларнинг асосий қисми тўп тўп жойлашган дараҳтлар остидадир. Очиқ жойларда мол кам ейдиган учқат ва иргай қолган, аммо буталар бўлмаган майдонлар ҳам пайдо бўлади. Тўп тўп жойлашган дараҳтлар шоҳ-шаббасининг зичлиги 50 % дан юқори, шу билан бирга умумий зичлиги 20 % дан ошмайди. Буталарнинг шоҳ-шаббаси юқорига кўтарилигандан, пастдан танаалар ён новдаларидан ва баргларидан тозаланган.
Тупроқ ва ўрмон чириндилиари қатлами.		Тупроқлар ювилмаган, чириндиқатлами яхши ривожланган, тўп тўп дараҳтларда 10 см дан юқори, очик жойларда эса 5 см га яқин. Хажм бирлиги оғирлиги 1,10 г/см куб дан юқори эмас. Йўлаклар унча кўп эмас ва улар майдоннинг 3-5 % дан камини эгаллади. Чиринди қатлами тўп тўп дараҳтзорлар тагида ялпи равишда жойлашган, қалинлиги 1-2 см дан 5+7 см гача. Очик жойларда унинг қалинлиги 0,5-1 см бўлиб майдоннинг 50 % дан ошмаган қисмини ёпади.
Тупроқнинг қисмидаги қатлам	устки тирик	Моҳ қатлами шимолий қияликлардаги арчалар остида ва тўп тўп арчалар тагида ривожланган. Жанубий қияликлarda эса дараҳт танааларида учрайди. Ўт-ўланлар қатлами таркиби мураккаб бўлиб, уч қаватдан иборат. Ёзги фаслда бу ерда ўрмон ва дашт турларидан 30-40 таси учрайди. Ўрмон турларидан ёввойи хина, қисқа оёқлилар тушиб қолади. Мезофиль турларидан ҳам қўйидагилар камаяди: беда, хашаки нўхот ва биринчи даврда кўрсатилган ўсимликлар. Тўп-тўп дараҳтлар остида кўпроқ қисман ойболдирғон, бузульник, бўтакўз эгаллади. Очик жойларда дашт ўсимликлари тарқалган, аммо моллар ейдиган ҳар хил ўтлар ўрнини моллар емайдиган ўсимликлар эгаллади. Тоғ арпаси, ўрмон қўнғирбоши, қора қиёқ, оқ сўхта ва бошқалар камаяди. Оқтасма, тоғрайхон, бўғдойиқ, бетага, қиёқ, қўнғирбош кўпайиб боради. Тепалик ва куруқ ерларда бўтакўз пайдо бўлади. Ўт ўланларнинг зичлиги ўрмонда 90-100%, очик ерларда 70-80%. Уларнинг куруқ массаси 5-8 ц/га ни ташкил этади. Тўп-тўп ичида тупроқда урутлар бўлиб, улар дараҳт ва ўт-ўланларга тегишлидир. Очик жойларда эса асосан бошоқли ўт ўсимликларнинг уруғи бор.

## 3 давр (босқич)

Дараҳтзорнинг поғонаси	1-	Дараҳтзор мол боқилиши таъсирида бўлиб, таркиби оддийдир, фақат асосий турдан иборат. Тўп тўп ўсиб турган дараҳтзорлар яққол ажралиб туради. Дараҳтларнинг зичлиги 0,3-0,6. Кўп танали бачки новдалардан тикланган дараҳтлар 50% дан кўп. Арчанинг бир йилда қалинлиги бўйича ўсиши охирги 30 йил ичидаги кескин камайган.
Дараҳтзорнинг поғонаси	2-	Дараҳтларнинг иккинчи қавати учрамайди.
Дараҳтзор остидаги ёш дараҳтлар ва буталар		Бу ерда асосан учқат, зирқ, иргай, наъматак ўсади. Улар тўп тўп дараҳтлар остида учрайди. Бу ерга моллар киради. Очик жойларда наъматакнинг турлари (кўқон ва бошқа турлари) учрайди, у илдиз новдалари билан кўпаяди ва қалин жойлашиб чакалакзор ҳосил қиласди. Тўп тўп дараҳтзорлар остидаги ёш ўсимликларнинг қалинлиги 20 % дан ошмайди, умумий қалинлиги эса 5% дан кўп эмас. Буталар 1,5 м баландликкача яланғочидир.
Тупроқ ва ўрмон чириндилиари қатлами		Тупроқ баланд бўлган ерларда кучсиз ва ўртача эрозияланган. Чиринди қатлами ярмисигача камайган, айрим жойларда эса умуман йўқ. Юқори қисмининг солиштирма ҳажм бирлиги массаси 1,2 г/см куб гача ортган. Йўлка тармоғи яхши ривожланган ва умумий майдоннинг 15 % ни эгаллади.

	Чиринди қатлами арча шоҳ-шаббаси қолган ва қалинлиги 2-4 см га тенг. Тўп тўп дараҳтлар орасида эса 50 % ни эгаллаб қалинлиги 0,5-0,9 см дан ошмайди.
Тупроқ устидаги тирик қатлам	Моҳ қатлами йўқ, шимолий қиялтиклардаги дараҳт танасида учраб туради. Ўт-ўланлар қатлами мураккаб, икки қаватли. Ёзги даврдаги таркибигача 25-30 тур кириб улар асосан даштга мансубдир. Ўрмон турларига мансуб ўт ўланлар арчанинг шоҳ-шаббалри остида учраб бўтакўз, сийрак равишда эса бузульник, ойболдирғон, каррак қолади. Тўп тўп дараҳтзорлар ичida мол емайдиган бир қанча бошоқли турлар асосан илдиз пояли бетага, буғдоийқ, қиёқ, сийрак равишда оқ сўхта ва бошқалар учрайди. Очиқ ерларда наъматак бўлмаган майдонларда эфемерлар кўпроқ бўлиб, моллар боқилишига қадар уруғи пишиб тўкилади ( қўнғирбош ва бошқалар), моллар емайдиган ва унча иштаха билан емайдиган дуккакли ўсимликлар (оқтасма, матлак), трагакантлар, бегона ўтлар тури (қора бўтакўз, сигир қўйруқ, отқулоқ, қариқиз ва бошқалар). Тиканбарглилар (акантолимонлар ва бошқалар), моллар ёмон ейдиган лабгуллилар (тоғрайхон, ялпиз, хапри (қисроқ) ва бошқалар), қизилча (чойт) ва бошқалар. Ўтларнинг зичлиги тўп тўп ўрмонларда 70 %, очиқ жойларда 50 % дан ошмайди. Тирик уруғлар запаси (дараҳт ва буталарнинг) ҳамма майдонларда учрамайди, фақат шоҳ-шаббалар остида арчанинг уруғлари бор. Икки паллали ўт ўсимликларнинг уруғ запаси, фақат тўп тўп ўрмонларда бор, лекин очиқ жойларда оз микдорда бор.
4 давр (босқич)	
Дараҳтзорнинг поғонаси 1	Моллар боқилиши кучли бўлгани сабабли дараҳтзорга катта зиён келтирилган. Унинг таркиби оддий зарафшон арчасидан иборат, кучли сийраклашган ўрмон тубини барпо этмайди, тўп-тўп дараҳтзорлар учрамайди., агар бўлса ҳам унча катта эмас. Сийрак дараҳтзорлар зичлиги 0,3. Арча дараҳтларининг танаси 1 м баландликкача очилиб қолган, чунки ён новдаларини моллар еб қўйган. Дараҳтлар сонининг 70 % бачки новдалардан қайта тикланган. Дараҳт танасининг қалинликка ўсиши бир йилда ўрта ҳисобда оҳирги 15 йил ичida камайган.
Дараҳтзорнинг поғонаси 2	Дараҳтзорнинг 2 поғонаси йўқ.
Дараҳтзор тагидаги	Дараҳтзор тагида ёш дараҳтлар йўқ. Айрим жойларда арча дараҳтлари остида учқат (дуқчўп) бутаси учрайди. Унинг аҳволи яхши эмас. Қуруқ мевали наъматак йўқ бўлиб кетаябди. Унинг буталари ёмон аҳволда бўлиб оралари йўлкалар билан кесилган.
Тупроқ ва тупроқ устидаги чиринди қоплами	Тупроқнинг устки қатлами ўртача кучли равишда ювилган. Чиринди қатлами кичик-кичик майдончаларда қолган, бошқа майдонлардагиси ювилиб кетган. Тупроқнинг юқори қатлами хажм бирлиги массаси 1,35 г/см куб дан ошмайди. Ўлкалар тармоғи ўрмон майдонининг 30 % ни эгаллайди; 35 градусдан юқори бўлган қияликларда ундан ҳам юқоридир. Шоҳ-шаббаларидан ташқари жойларда йиллик ўт-ўсимликлари тагида қолган холос. Чиринди қатлами майдони 10 % дан ошмайди.
Тупроқ устидаги тирик қатлам	Моҳ қатлами йўқ. Ўт-ўланлар қатлами сийрак жойлашган, қаватлиги унча билинмайди. Унинг таркибига 20 дан кам ўт ўланлар киради. Асосан ёмон аҳволдаги илдиз пояли ўсимликлар, айниқса дағал танали, тикан баргли ва моллар емайдиган турлар-тарагакантлар, игна барглилар, каррак, ялпиз, хапри (қисроқ), шувоқ ва бошқалар учрайди. Бу ўтлар молларнинг туёғидан зарарланган. Ўт-ўланларнинг зичлиги 20 % дан ошмайди. Тупроқнинг устки қисмидаги қуруқ биомассаси 2 ц/га дан ошмайди. Тупроқда уруғлар запаси йўқдир, бундан арча ва эфемерлар мустасно, чунки моллар ўсимликларнинг уруғ беришига ҳалақит беради.

Арчазорлар учун ишлаб чиқилган шкала асосида тупроғи биринчи босқичда ёмонлашган арча дараҳтзорларида хеч қандай хўжалик тадбир-чоралари амалга оширилмайди. Иккинчи босқичда эса арча ўрмонзорларини қайтадан тиклаш учун маълум вақтгача мол боқишни тақиқлаб қўйиш керак. Учинчи босқичда бузилган арчазорларда мол боқишни тақиқлашдан ташқари унга ўзини қайтадан тиклаш учун ёрдам бериш лозим. Бунинг учун дараҳт ва буталар турлари бўйича уларни уруғларини ишлаб чиқилган технология бўйича сепишиш амалга оширилади. Тўртинчи босқич бузилишда эса қайд қилингандаридан ташқари бу ўрмонзорларда ўт ўланларни ҳам қайта тикланади.

Арча ўрмонзорларида асосий дараҳт хисобланган арчани уруғи орқали арчазорларни тиклаш яхши натижа бермаганлигини хисобга олиб, арчазорларни қайтадан тиклашга ёрдам бериш учун дараҳт ва буталар уругини сепишиш технологияси ишлаб чиқилди, улар арчага нисбатан яхши сақланиб қоладилар ва очиқ ерларда бутазорлар ҳосил қиласди, булар эса арчани табиий қўпайишига олиб келади. Бунда баргли дараҳтлар арчага нисбатан тезроқ ўсиши натижасида қияникларда ўрмон кўринишини ҳосил қиласди. Бу эса ўт ўланларнинг қайтадан тикланиши учун қулай шароит яратади, намликларда ўсадиган ўтлар қўпаяди, уларни меваларини яхши истеъмол қиласди ва улар иккенинчи даражали ем хашак хисобланиб молларни йиртқич хайвонлардан ва күшлардан асрайди, арчазорларни бир текисда қўпайишига ва ихота вазифасини ўташга олиб келади. Арчазорларни қайтадан тиклаш ишларини биринчи навбатда қўриқхона ва алоҳида қўриқланадиган майдонларда олиб борилади, қайсики, техникани ишлатмай, зинапоялама ва майдончалар яратмай қайсики уларни амалга оширганда табиий ландшафтлар ва табиий ўсиш шароитлари сақланиб қолади.

**Хулоса.** Тавсия этилаётган арча ўрмонларини қайтадан тиклаш йўли энг қулай ва арzon бўлиб, унча қўп бўлмаган пул маблағлари ва ишчи кучи талаб қиласди. Шу билан бирга ёқолиб бораётган арчазорларни қайта тикланиши учун катта туртки вазифасини бажаради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Александровский Е.С. «Научные основы восстановления арчевых лесов. Науч основы лесомелиорации в Узбекистане». Ташкент 1996 г. 45-49 стр.
2. Бобров Р.М. “Беседа о лесе” Москва “Молодая гвардия” 1979г. 240 стр.
3. Кульбачный И.А. Арчевые леса Узбекистана. Ташкент, 1968 г
4. Нигматов У Меры содействия естественному возобновлению в арчовниках Узбекистана. Издательства “узбекистан” 1968 г
5. Бутков Е.А. Ўзбекистон арча ўрмонларининг холатини аниклаш ва уни қайта тиклашга ёрдам бериш тавсияси. Ташкент, 1998, г.